

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

НОСУРУЛЛАЕВ ҚОДИР АБДИШАРИБ ЎҒЛИ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУҒУРТАЛАШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD)

Носуруллаев Қодир Абдишариб ўғли

Қишлоқ хўжалигида суғурталаш механизмини такомиллаштириш.....3

Носуруллаев Қодир Абдишариб угли

Совершенствование механизма страхования в сельском хозяйстве.....27

Nosurullayev Kodir Abdisharib ugli

Improving the insurance mechanism in agriculture.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

НОСУРУЛЛАЕВ ҚОДИР АБДИШАРИБ ЎҒЛИ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУҒУРТАЛАШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2024.4.PhD/Iqt254 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари” Миллий тадқиқот университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|----------------------------|---|
| Илмий раҳбар: | Юнусов Искандар Орифович, иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент |
| Расмий оппонентлар: | Эгамбердиев Фармонкул Турсункулович иктисодиёт фанлари доктори, профессор Вахобов Абдирашид Расулович иктисодиёт фанлари номзоди, доцент |
| Етакчи ташкилот: | Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали |

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” МТУ хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил “__” _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” МТУнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация автореферати 2025 йил “__” _____ куни тарқатилди.
(2025 йил “__” _____ даги __ рақамли реестр баённомаси).

Қ.А. Чариев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

С.Р. Умаров,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.С. Хушматов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) дисертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда содир бўлаётган глобал иқлим ўзгариши ва мураккаб иқтисодий-сиёсий вазиятлар, жумладан, иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигида турли экологик салбий ўзгаришлар, хусусан, ер-сув ресурслари ҳажми ва сифати, экинлар ҳосилдорлигининг пасайиши, атроф-муҳитга турли техноген омиллар салбий таъсирининг кучайиши каби янги муаммо, хавф-хатар ва таҳдидларни келтириб чиқармоқда. Иқлим ўзгариши ўз навбатида бевосита об-ҳаво билан боғлиқ қурғоқчилик, бўронлар, сув тошқинлари, экин ерлари деградацияси каби табиий офатлар ва экстремал ҳодисалар частотаси ва интенсивлигининг ошишига олиб келмоқда. Натижада, мазкур тармоқ ва унинг фаолияти билан боғлиқ хўжалик юритиш субъектлари катта миқдорда моддий-иқтисодий зарар кўришмоқда. Жаҳон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат ташкилоти (ФАО) ҳисоботларига кўра, “1991-2021-йиллар оралиғида табиий офатлар сабабли қишлоқ хўжалигида 3,8 триллион АҚШ доллари миқдорида ишлаб чиқариш қиймати йўқотилган. Бу йиллик ўртача 123 млрд. АҚШ долларини ёки дунё миқёсида ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 5 фоизини ташкил қилган”¹. Шу боис, нафақат ҳозирги шароитда, балки истиқболда ҳам қишлоқ хўжалиги кўраётган йирик иқтисодий зарар ва моддий йўқотишларни қоплаш манбаларини ривожлантириш ва механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Жумладан, суғурталашнинг молия манбалари ва турларини кўпайтириш қишлоқ хўжалигида рискларни бошқариш, ноқулай об-ҳаво шароити туфайли йўқотилган ҳосил ва иқтисодий зарарни молиявий қоплаб бериш учун суғурта тўловларини амалга ошириш, суғурталовчи ва суғурталанувчилар ўртасида тузиладиган шартномаларда кейинги субъектлар манфаатларини таъминлаш, тармоқдаги корхона ва хўжаликларнинг самарали фаолият юритиш имконини берадиган тизимлардан биридир. Шу боис, иқтисодий ривожланган хорижий давлатларда қишлоқ хўжалиги ва унинг таркибий субъектларини турли табиий офатлардан молиявий ҳимоя қилиш мақсадида агросуғурта хизматларини самарали ташкил этиш ва турларини кўпайтиришга устувор даражада эътибор қаратилади. Бу йўналишда дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот муассасалари ва марказлари томонидан агросуғурта тизимини самарали ташкил этиш бўйича эътирофга молик изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, иқлим ўзгариши шароитида маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалиги субъектларининг таваккалчилигини пасайтириш, йўқотиладиган ҳосил миқдорини баҳолаш ва прогноз қилиш, агросуғурта технологиялари, инновацияларни жорий қилиш, суғурта тизими иштирокчилари учун дастурий рақамли электрон платформа ва интеллектуал суғурта тизимларини ривожлантириш, блокчейн орқали фермерлар маълумотларини хавфсиз сақлаш, суғурта жараёнларини шаффоф қилиш, суғурта дастурларига асосан ажратиладиган давлат субсидиялари самарадорлигини тадқиқ этиш ва фермерларнинг суғуртага бўлган ишончини

¹ FAO's methodology for damage and loss assessment in agriculture. FAO Statistics Working Paper Series / p. 42.

ошириш учун молиявий рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш каби тадқиқот йўналишлари шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда ҳам охириги йилларда вужудга келган иқлим ўзгариши ва техноген омиллар салбий таъсирининг кучайиши, экинлар ҳосидорлиги, ер ва сув ресурсларининг камайиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва экологик муаммоларнинг иқтисодиётнинг муҳим тармоғи қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришга солаётган таҳдидларини эътиборга олган ҳолда, жумладан, агросуғурта тизимини ривожлантиришга оид самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аммо, шунга қарамасдан, таҳлилларимиз кўрсатишича, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи субъектларнинг суғурта механизмлари, уларнинг афзалликлари ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслиги, табиий офатлар ва иқлим ўзгаришига оид маълумотлар билан таъминлаш борасида замонавий технологияларнинг чекланганлиги, агросуғурта бозорида хусусий сектор иштирокининг пастлиги, йўқотилиш эҳтимоли мавжуд ҳосил ҳажмини баҳолаш ва башоратлашнинг шаффоф механизми йўқлиги, суғурталовчи ва суғурталанувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро шартномаларда белгиланган шартлар ва суғурта тўловларининг ўз вақтида бажарилмаслиги каби муаммолар бугунги кунгача сақланиб қолмоқда. Ушбу муаммоларни бартараф этишга қаратилган тадқиқотлар олиб бориш долзарблик касб этиб, объектив зарурият бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 июндаги 505-сон “Пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғурта тизимини самарали ташкил қилиш ва бозор талабларига мос ривожлантириш, жумладан, қишлоқ хўжалиги суғуртасининг назарий, услубий ва амалий масалалари В.С.Аверин, А.Ф.Бакиров, И.Т.Доржиева, Т.П.Ломакина, Л.К.Никитенков, А.В.Никитин,

Д.Б.Худаковлар² каби кўплаб хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий изланиш ва асарларида кенг ўрганилган.

Бозор шароитида агросуғурта муносабатларини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигини суғурталаш механизм ва турларини ривожлантириш борасида маҳаллий иқтисодчи олимлардан Х.М.Шеннаев, Қ.М.Кўлдошев, А.С.Нуруллаев, С.Х.Умаров, Р.С.Азимов, Т.М.Баймуратов, Г.Т.Халикулова, С.Р.Шеров, У.Ғ.Имомов, Г.Д.Адилова, И.Х.Абдурахмонов, А.Т.Умиров, А.А.Ядгаровлар³ ўз илмий изланишлари билан катта ҳисса қўшганлар.

Бироқ, махсус адабиётлар таҳлили кўрсатишича, юқорида келтирилган олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот ишларида агросуғурта тизими ва механизмларини иқтисодиётни рақамлаштириш ва “яшил” иқтисодиётга ўтиш талабларига мос такомиллаштириш ва ривожлантириш йўналишлари чуқур ўрганилмаган. Шунинг билан бирга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар фаолиятида кўрилган моддий-иқтисодий зарар ва йўқотилган ҳосил ҳажмини келтириб чиқарган омиллар таъсирини табақали баҳолаш ҳамда шунга асосан суғурта суммаси ва турларини аниқлаш усуллари етарлича тадқиқ этилмаган. Таъкидлаб ўтилган ва суғурта тизимидаги бугунги бошқа муаммоларни ҳал этиш ҳамда агросуғурта муносабатларини рақамлаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш, уларни суғурта тизимини замон талабларига мос ривожлантириш жараёнларида татбиқ этиш зарурияти ушбу диссертация мавзусини танлашга асос бўлди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини

² Аверин В.С. Страхование животных, принадлежащих сельскохозяйственным предприятиям. М.: Финансы и статистика, 1981. 126 с.; Бакиров А.Ф. Принципы сельскохозяйственного страхования и требования современной практики крестьянства // Финансы. 2005. №4.1. С.40-43.; Доржиева И.Ц. Сельскохозяйственное страхование в условиях перехода экономики к рыночным отношениям. авт. ... дисс. и.ф.н. - Иркутск, ИИНХ, 1992. 130 с.; Ломакина Т.П. Основные категории в страховании будущего урожая. Препринт. Волгоград: Издательство Волгоградского государственного университета, 2000. 32 с.; Никитенков Л.К. Исчисление платежей по государственному страхованию имущества колхозов и межколхозных предприятий / Л.К. Никитенков, Ф.С. Гуляев. М.: Финансы, 1976. - 119 с.; Никитин А.В. Государственная поддержка страхования сельскохозяйственных рисков: теория, методология и практика. авт. ... дисс. и.ф.н., 2008. 349 с.; Зуляр Ю.А., Худаков Д.Б. История развития сельскохозяйственного освоения и страхования агропромышленного производства Байкальской Сибири в XX столетии: Монография. Иркутск: Изд-во «Оттиск», 2005. 766 с.

³ Шеннаев Х.М. Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини ривожлантириш йўналишлари. авт. ... дисс. и.ф.д. (DSc) – Т.: - 2021. 84 б.; Кўлдошев Қ.М. Суғурта бозорини ривожлантириш ва бошқариш муаммолари: авт. ... дисс. и.ф.н. – Т, 2009.– 23 б.; Нуруллаев А.С. Ўзбекистонда фермер ва дехқон хўжаликларини суғурталаш масалалари. авт. ... дисс. и.ф.н. – Т, 2007 – 23 б.; Умаров С.Х. Страховой рынок Узбекистана: основные проблемы и тенденции развития. авт. ... дисс. и.ф.н. – Москва, 2013. – 26 с.; Азимов Р.С. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида рискларни суғурталаш методологиясини такомиллаштириш. авт. ... дисс. и.ф.д. (DSc) – Т.: - 2022. – 86 б.; Баймуратов Т.М. Ўзбекистонда суғурта фаолияти ва уни солиққа тортиш механизмининг такомиллаштириш. авт. ... дисс. и.ф.н. – Т.: -2004. – 22 б.; Халикулова Г.Т. Суғурта тизими ва уни амал қилиш механизмининг такомиллаштириш. авт. ... дисс. и.ф.н.. – Т, 2019. – 63 б.; Шеров С.Р. Суғурта институти ва уни инновацион ривожлантириш йўналишлари. авт. ... дисс. и.ф.н.. (PhD) – Т.: 2019. – 64 б.; Имомов У.Ғ. Инновацион иқтисодиёт шароитида банк суғуртаси ва уни ривожлантириш йўллари. авт. ... дисс. и.ф.н. (PhD). – Т.: 2020. – 53 б.; Адилова Г.Д. Иқтисодий глобаллашув шароитида суғурта хизматларини такомиллаштиришнинг йўналишлари. авт. ... дисс. и.ф.н. (PhD). – Т.: 2020. – 60 б.; Абдурахмонов И.Х. Теория и практика страхования: Учебник, - Т.: «Иқтисод-молия», 2019. - 696 стр.; Умиров А.Т. Ўзбекистонда суғурта хизматларининг рақобатбардошлигини ошириш. авт. ... дисс. и.ф.н.. Т, 2021. – 53 б.; Ядгаров А.А. Агросаноат мажмуи корхоналари фаолиятини суғурталаш методологиясини такомиллаштириш. авт. ... дисс. и.ф.д. (DSc. – Т.: 2023. – 77 б.

механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети тадқиқот режалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ хўжалигида суғурталаш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий-услубий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жараёнида рискларни баҳолаш усуллари ҳамда суғурталаш механизмини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини тадқиқ этиш;

қишлоқ хўжалигида суғурталаш механизмини такомиллаштириш ҳамда жорий этишга таъсир этувчи омиллар тавсифи ва кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари таҳлил қилиш;

қишлоқ хўжалигида суғурталаш механизмини такомиллаштириш бўйича хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уларнинг республикамизда татбиқ этиш йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

республика қишлоқ хўжалигида суғурталаш тизими ва механизмларини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳот ва чоратадбирларнинг ҳозирги ҳолати ва ўзгариш тенденцияларини таҳлил қилиш;

қишлоқ хўжалигида агросуғурта хизматларига бўлган талаб ҳамда унинг таъминланиш ва самарадорлик даражасини таҳлил қилиш;

қишлоқ хўжалиги экинларига келтирилган зарар ва йўқотилган ҳосилни суғурталашнинг бугунги ҳолати ва мавжуд муаммоларини ўрганиб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги тармоғи ва субъектларини суғурталаш механизми орқали давлат томонидан ташкилий қўллаб-қувватлаш ва имтиёзли иқтисодий рағбатлантириш йўналишларини асослаш;

қишлоқ хўжалигида суғурталаш механизмини такомиллаштириш, унга таъсир этувчи эндоген ва экзоген омилларга оид маълумотлар асосида суғурта тўловлари ҳажми бўйича прогноз параметрларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республикамизда деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжалик юритувчи субъектлар танлаб олинган. Алоҳида монографик тадқиқотлар Хоразм вилоятида деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланувчи хўжаликларда олиб борилган.

Тадқиқотнинг предметини қишлоқ хўжалигида суғурталовчи ташкилот ва суғурталанувчи хўжаликлар ўртасидаги иқтисодий-молиявий муносабатлар тизими ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида таққослаш, монографик ўрганиш, статистик ва эконометрик моделлаштириш, иқтисодий таҳлил ва синтез, ARIMA (ARMA) модели ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

суғурталанувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжалик юритиш субъектларининг ҳудудий жойлашуви, табиий шароит ва омиллари, кўрсатилган агросуғурта хизматлари ва олинган зарар ҳажми орқали суғурта мукофотини табақали ҳисоблаш коэффициентлари бўйича услубий ёндашув ишлаб чиқилган ва такомиллаштириш йўллари таклиф этилган;

қишлоқ хўжалигида суғурта хизматлари ҳажми ва турларини кўпайтириш, улар билан суғурталанувчи хўжаликларни сифат ва муддат жиҳатдан барқарор таъминлаш учун “Қишлоқ хўжалигини суғурталаш жамғармаси”ни ташкил этиш зарурияти ҳамда унинг молиявий манбалари ва иқтисодий механизмлари асосланган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, деҳқончилик экинлари ва чорва молларини суғурталаш заруриятини келтириб чиқарган ҳодиса содир бўлган ҳолатларда суғурта тўловларини амалга ошириш ва муносабатларини мувофиқлаштириш мақсадида рақамли технологияларга асосланган электрон тизим ва унинг механизмлари ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалигида агросуғурта тўловлари ҳажмининг 2028 йилгача бўлган прогноз параметрлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалигида суғурталаш самарадорлик кўрсаткичлари иқтисодий, ижтимоий, технологик ва экологик жиҳатларидан келиб чиқиб тизимлаштирилган, суғурта мукофоти ва тўловлари, шунингдек, суғурта мажбуриятларини миқдор ва сифат бўйича таҳлил қилиш, унинг натижаларидан фойдаланиш тадбирлари орқали суғурта хизматлари самарадорлигини ошириш йўллари асосланган;

иқтисодий ривожланган хорижий мамлакатларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида суғурталаш тизимини самарали ташкил этиш ва ривожлантиришга оид аҳамиятга молик тажрибаларини республикамиз иқтисодиётига жорий этиш йўналишлари ишлаб чиқилган;

суғурта хизматлари кўрсатиш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар таҳлил қилиниб, тизимлаштирилган ва уларнинг ўзаро боғлиқлик жиҳатлари эконометрик модел ва усуллар асосида тадқиқ қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги аграр иқтисодчи олимларнинг қишлоқ хўжалигини суғурталаш механизмларини такомиллаштириш борасидаги ҳозирга қадар шаклланган илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, илғор хориж тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш, жойларда хўжаликлар мисолида олиб борилган монографик тадқиқот ва анкета сўровнома натижаларидан фойдаланиш ҳамда Ўзбекистонда фаолият юритаётган суғурта ташкилотлари, жумладан, “Ўзагросуғурта” АЖ ва “Semurg Insurance” АЖ суғурта компаниялари ва фермер хўжаликлари маълумотларига асосланганлиги ҳамда тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот жараёнида олинган илмий таклифлар қишлоқ хўжалигида суғурта тизимини такомиллаштириш, агросуғурта хизматларининг иқтисодий самарадорлиги ва имкониятларини ошириш йўллари ишлаб чиқишда ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликларининг молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликларини суғурталаш қамровини кенгайтириш орқали уларни об-ҳавонинг кескин ўзгариши натижасида пайдо бўладиган турли табиий ва

техноген офатлар ва зарарлардан сақлашда ўз ифодасини топади. Тадқиқот ишининг услубий-амалий натижаларидан қишлоқ хўжалигида суғурталаш тизими самарадорлигини оширишга қаратилган давлат дастурларини ишлаб чиқишда, олий ўқув юртларида “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини суғурталаш” фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда кенг фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ хўжалигида суғурталаш механизмини такомиллаштириш йўллари бўйича ишлаб чиқилган илмий таклифлар асосида:

қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ва чорвачилик тармоғида худудлар ва риск омиллари кесимида суғурта мукофотларини ҳисоблаш учун коэффициентлар қўллаш бўйича таклифлар Хоразм вилояти иқтисодиёт ва молия бошқармаси, Урганч тумани иқтисодиёт ва молия бўлими ҳамда “Semurg Insurance” АЖ томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши 01/03-1458/АР-сон маълумотномаси, Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари Уюшмаси 2025 йил 21 январдаги № 002-сон маълумотномаси). Мазкур коэффициентларни жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи субъектларнинг молиявий харажатларини 10-15 фоизга камайтиришга эришилган;

қишлоқ хўжалигида суғурта хизматлари ҳажмини ошириш ҳамда сифат жиҳатдан яхшилаш учун “Қишлоқ хўжалигини суғурталаш жамғармаси”ни ташкил этиш ва унинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар Хоразм вилояти иқтисодиёт ва молия бошқармаси, Урганч тумани иқтисодиёт ва молия бўлими ҳамда “Semurg Insurance” АЖ томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши 01/03-1458/АР-сон маълумотномаси, Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари Уюшмаси 2025 йил 21 январдаги № 002-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф агросуғурта хизматларини тизимли ташкил этиш, шунингдек, хизматлар бозорида сифат кўрсаткичларини яхшилаш ва молиявий ресурсларни самарали тақсимлаш натижасида суғурта компаниялари ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар фаолиятида молиявий йўқотишларни 20 фоизгача қисқаришига хизмат қилган;

қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштиришни ҳамда чорва молларини суғурталашда рақамли технологияларни қўллаш, электрон тизим яратиш ва унда суғурта ҳодисаси юзага келганда суғурта тўловларини тўлаш ва субсидиялаш механизмлари Хоразм вилояти иқтисодиёт ва молия бошқармаси, Урганч тумани иқтисодиёт ва молия бўлими ҳамда “Semurg Insurance” АЖ томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши 01/03-1458/АР-сон маълумотномаси, Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари Уюшмаси 2025 йил 21 январдаги № 002-сон маълумотномаси). Таклиф этилган ушбу механизмлар агросуғурта тизимини самарали ташкил этиш, уни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашда бозор механизмларини жорий этиш шароитида агросуғурта муносабатларини ривожлантиришда ижобий самара берган;

Республика қишлоқ хўжалигида суғурта тўловлари ҳажми ўзгаришининг 2028 йилгача мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари Хоразм вилояти иқтисодиёт ва молия бошқармаси, Урганч тумани иқтисодиёт ва молия бўлими ҳамда “Semurg Insurance” АЖ томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши 01/03-1458/АР-сон маълумотномаси, Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари Уюшмаси 2025 йил 21 январдаги № 002-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида 2028 йилга бориб, республикамиз қишлоқ хўжалиги бўйича суғурта хизматлари кўрсатишдан тушадиган суғурта тўловлари ҳажми 146,6 млн.сўмни ташкил этиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференция ва семинарларида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Илмий ишнинг асосий ғояси, унда илгари сурилган илмий фикр ва мулоҳазалар асосида жами 12 та, шундан 8 та илмий журналларда (1 таси хорижда) илмий мақолалар ва 4 та тезислар (2 таси халқаро анжуманларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми жами 152 бетни ташкил қилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, уларнинг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалигида суғурталаш механизмини такомиллаштиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида қишлоқ хўжалигини суғурталаш механизмларини такомиллаштириш зарурати асосланган, тармоқни агросуғурта хизматлари билан таъминлаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар тизимлаштирилган ва қишлоқ хўжалигида суғурта хизматларига бўлган талабни аниқлашга доир мавжуд услубий ёндашувлар ўрганилган, суғурта хизматларини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибалари тадқиқ этилган ва республикамизда улардан фойдаланиш йўллари асосланган.

Аввал ҳам таъкидланганидек, глобал иқлим ўзгаришлари таъсирида об-ҳаво шароитларининг ёмонлашуви, экин майдонларининг деградацияланиш жараёнлари ва табиий хавф-хатарларнинг кучайиши, турли табиий ва техноген офатлар туфайли юқори ҳосил олиш имкониятининг чекланганлиги, экинлар вегетация даврида агротехник тадбирларнинг белгиланган вақтларда сифатли

бажарилмаслиги оқибатида маҳсулот етиштириш ҳажмининг камайиши каби салбий тенденция ва ҳолатлар нафақат қишлоқ хўжалиги соҳасида, шу билан бирга, тармоқдаги хўжаликлар фаолиятида ҳам кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ташкил этишга кучли салбий таъсир кўрсатади. Натижада, тармоқ ва хўжаликлар кесимида юқори даромадли фаолият юритиш имкониятлари камайиб боради.

Ушбу салбий ҳолат ва омиллар ўз навбатида, у ёки бу мамлакат миқёсида иқтисодийнинг ривожланиш тенденцияси ва молиявий имкониятларига қараб эътиборга олинади ва турли йўллар билан ҳал этилади. Жумладан, уларнинг таъсири ривожланаётган мамлакатларда юқори ва индустриал ривожланган мамлакатларда эса камлиги сабабли қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши турли даражани ташкил қилиб, шунга мос равишда аҳолини иш ўринлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи турлича ҳал қилинади.

Маълумки, иқлим ўзгаришининг қишлоқ хўжалигига юқори даражада салбий таъсир кўрсатадиган минтақалардан бири бу Марказий Осиёдир. Минтақанинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган умумий ер майдони дунё бўйича 70 фоиздан ортиғини (тахминан 280 миллион гектар) ташкил этади. Шу боис ҳам, ушбу минтақа мамлакатларида қишлоқ хўжалигини суғурталаш чора-тадбирларига катта эътибор қаратилади. Чунки, қишлоқ хўжалигини суғурталаш ушбу тармоқ ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусият ва рискларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этишни талаб қилади. Жумладан:

1. Кўпгина рискларнинг тизимли давом этиш табиати (бошқача айтганда, ҳалокатли табиати). Уларни бир вақтнинг ўзида бир нечта хўжалик юритувчи субъектларга таъсир этувчи ва маҳаллий муайян бизнес субъектига алоҳида таъсир кўрсатувчи тизимли рискларга бўлиш мумкин. Тизимли рисклар юзага келиш эҳтимолини олдиндан айтиб бўлмайдиган хусусиятга эга бўлиб, энг катта йўқотишларнинг манбаи ҳисобланади. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида суғурталашни талаб қиладиган ҳодисалар бир вақтнинг ўзида кўплаб, яъни, деярли барча ҳудуддаги суғурталовчиларни қамраб олади.

2. Рискларнинг икки тоифаси мавжуд, яъни, олдини олиш мумкин бўлган рисклар ва ҳар қандай ҳаракатлардан қатъий назар пайдо бўладиган рисклар. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари айрим турдаги рискларга мустақил қаршилиқ кўрсата олади. Масалан, қишлоқ хўжалигининг иқлим ўзгаришига мослашувчанлик имконият ва усуллари, масалан, об-ҳавонинг айрим ноқулай ҳодисаларининг салбий оқибатларини сезиларли даражада камайтирса, бошқа томондан эса, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш орқали алоҳида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти нархининг ўзгариши оқибатида кўрилган йўқотишларни ва зооветеринария тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш чорва моллари нобуд бўлишини камайтиришга ёрдам беради.

3. Маҳаллий бозорларнинг сиғими, ўзига хос талаблари ва хусусиятлари қишлоқ хўжалиги соҳасида катта рол ўйнайди ва уларни ҳисобга олган ҳолда суғурта дастурларини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Мисол учун, Ғарбий Европа ва Австралия мамлакатларида дўл ва ёнғин суғуртасига бўлган талаб юқори бўлса, Россия ва Украинада суғуртанинг бу турини оммавий равишда

жорий этишга катта талаб мавжуд эмас. Гап шундаки, Ғарбий Европа ва Австралия мамлакатлари иссиқроқ (субтропик) иқлимга эга, бу ерда дўл ёғиш ҳолатлари тез-тез учрайди. Россия ва Украинанинг совуқроқ континентал иқлимида дўл камроқ ёғади ва камроқ зарар келтиради. Шу боисдан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига бунинг учун суғурталаш тавсия этилмайди.

4. Рискларни баҳолашнинг мураккаблиги, суғурта ҳодисасининг юзага келиши мезонларини ва унинг маҳсулот ишлаб чиқарувчи хўжаликлар реал даромадларига таъсирини баҳолаш усулларини такомиллаштиришни талаб этади. Бу, биринчидан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг унумдорлиги ва рентабеллигига таъсир қилувчи омилларга боғлиқлиги билан изоҳланади. Чунки, мавжуд табиий шароитларга кўра, ҳар хил йилларда бир гектар экин ер майдони ёки шартли чорва моллари бошига бир хил харажатлар билан йиллар бўйича ҳар хил ҳажмда маҳсулот олиниши мумкин. Иккинчидан, маҳсулот ҳажмининг ўсиши ёки камайиши қишлоқ хўжалиги субъектлари фаолиятида олинadиган даромадларнинг ўсиши ёки камайишини англамайди, чунки бу бозор нархларининг даврий ўзгаришига боғлиқ тенденция ҳисобланади.

5. Нафақат суғурта масалалари билан шуғулланувчи ходимларни, балки, суғурта соҳасига боғлиқ бўлмаган мутахассис (агроном, ветеринар, муҳандис кабилар)ларни маҳсус тайёрлаш мақсадга мувофиқ. Чунки, андеррайтинг, суғурта полисларини сотиш, суғурта компаниялари миқозлари томонидан суғурта шартларига риоя қилинишининг мониторингини юритиш (масалан, уларнинг қишлоқ хўжалиги агротехнологияларига мувофиқлиги), қишлоқ хўжалиги рискларини суғурталаш шартномаларини тузишда йўқотишларни аниқлаш учун ходимларни маҳсус тайёргарликдан ўтказиш ва хўжаликларга бориш учун харажатлар талаб этилади. Шунга кўра, суғурта компаниялари нафақат маҳсулот ишлаб чиқаришга, балки сотувчилар, андеррайтерлар ва агентларни тайёрлашга ҳам сармоя киритишлари керак.

Маълумки, ҳудудларнинг ўзига хос табиий-иқлим ва тупроқ шароитлари бир биридан фарқли жиҳатларга эга, шу боис, ҳосил етиштириш даражаси ҳам фарқланади. Ушбу ҳолат ҳудудлар кесимида табақалашган коэффициентларни ҳисоблаш ва уларга мос суғурта мукофотларини бериш механизмининг жорий этиш асосли ёндашув бўлиб ҳисобланади. Ушбу тизимни самарали ташкил этишда шартнома тузувчи томонларнинг ўзаро манфаатли муносабатларидан келиб чиқиб, суғурта мукофотларини ҳудудлар ва риск омилларини инобатга олган ҳолда табақалашган коэффициентлар асосида тақдим этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шу талабларга риоя этиш зарурияти ва аҳамиятини эътиборга олиб, диссертацияда қишлоқ хўжалиги экинлари ва маҳсулотларини ҳамда чорва ҳайвонларини суғурта қилишда ҳудудлар ва рисклар кесимида суғурта мукофотларини табақали баҳолашда қўлланадиган коэффициентлар ишлаб чиқилган ва таклиф этилган.

Суғурта мукофотларини табақалаштириш, хусусан, ҳудудларга ва риск омилларига кўра, томонлар ўртасида тузиладиган суғурта шартномаларининг энг самарали ва аниқ баҳолашига олиб келади. Бу ёндашувга кўра, кўпчилик фермерлар ўз хўжаликларига мос бўлган суғурта имкониятларини танлашлари

мумкин, бу эса уларнинг иқтисодий барқарор фаолият юритишларига замин яратади. Фермерлар ўртасида ўтказилган сўровнома жараёнида респондентлар айнан табақалашган суғурта мукофотларини аниқлашни ва тақдим этишни маъқул деб топишиб, мазкур ёндашувнинг асосли эканлигини таъкидлашган. Чунки, фермерлар ўз ишлаб чиқариш фаолиятларида рискларини самарали бошқариш имконига эга бўлиб, улар ўзларининг хўжаликларига хос риск ва шарт-шароитларга мос суғурта механизмларини танлашлари мумкин.

Шу сабабдан, агросуғурта хизматлари учун суғурта мукофотларини “анъанавий” усулни ифодаловчи 1-формула билан эмас, балки, “табақалашган усул” (Differentiated method) 2- ва 3-формулалар орқали ҳисоблаш тавсия этилган, яъни:

$$CM = A * Y_{\text{ўрт}} * P * 4\% \quad (1)$$

$$CM = A * Y_{\text{ўрт}} * P * K \quad (2) \quad CM = A * Y_{\text{ўрт}} * P * (K+T) \quad (3)$$

Бу ерда: CM - суғурта мукофоти, сўм; A - экин майдони, га; $Y_{\text{ўрт}}$ - ўртача ҳосилдорлик, ц/га; P - маҳсулот нархи, сўм/ц; K - муаллиф томонидан таклиф этилаётган худудлар кесимида риск коэффиценти; T - кенгайтирилган ставка бўйича қўшимча рискларни инобатга олганда қўлланиладиган коэффицент.

Тадқиқотларимиз ва сўровнома натижаларига кўра, қишлоқ хўжалигида суғурта мукофотларини табақалашган коэффицентлар асосида ҳисоблаш ва амалга оширишнинг муҳим аҳамияти шундан иборатки, бу усул фермерлар учун иқтисодий жиҳатдан самарали фаолият юритиш шарт-шароитлари ва юқори даромад олиш имкониятларини яратишга хизмат қилади.


Диссертацияда хорижий давлатларда суғурта муносабатлари ва тизимини самарали ташкил этиш борасидаги тажрибалари ва ютуқлари тадқиқ қилинган бўлиб, уларнинг фойдали ва аҳамиятга молик томонларини республикамиз қишлоқ хўжалигига жорий этиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган. Жумладан, Россия, Белоруссия, Туркия, Озарбайжон, Хитой ва Қозоғистон давлатларининг агросуғурта соҳасидаги самарали механизмларини қўллаш Ўзбекистонда агросуғурта тизимини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Яъни, давлатнинг молиявий кўмаги, рақамли платформалардан фойдаланиш, кичик фермерларга ёрдам дастурларини ишлаб чиқиш, табиий офатларга қарши махсус полисларни амалиётга татбиқ этиш ва ҳуқуқий базани яхшилаш каби йўналишлар Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида суғурталаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўлиши мумкин.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалигида суғурталаш механизмини такомиллаштиришнинг ҳозирги ҳолати”** деб номланган иккинчи бобида қишлоқ хўжалиги тармоғида суғурталаш муносабатларининг ҳозирги мавжуд ҳолати таҳлил қилинган, суғурта тўловлари ва мукофотларининг миқдорий ўзгариш тенденциялари тадқиқ этилган, шунингдек, қишлоқ хўжалигини агросуғурта хизматлари билан таъминлашнинг ҳозирги ҳолати ва мавжуд муаммолар аниқланган ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда суғурта хизматларини тақдим этиб келаётган асосий суғурта компанияси бу – “Ўзагросуғурта” АЖ саналади. Таҳлилларга кўра, қишлоқ хўжалиги суғурта хизматлари бозорига таъсир қилган бир қанча омиллар хизматлар ҳажми ва қоплаш даражасини кескин тушиш ҳолатида эканлигини кўришимиз мумкин.

Жумладан, 2012 йилда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини суғурталаш хизматлари бўйича жами 8,6 млрд. сўмлик суғурта мукофотлари тушуми шакллантирилган. Ушбу кўрсаткич 2016 йилгача ўсиш тенденциясида бўлган ва ушбу даврда 45,6 млрд. сўмгача ўсган. 2020 йил якунида дунёда юзага келган пандемия натижасида мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини суғурталаш хизматлари ҳажмида кескин камайиш тенденцияси бошланган. Ушбу кескин ўзгариш агросуғурта бозори конъюнктурасини тубдан ўзгартириб юборганлигини кўриш мумкин (1-расм).



1-расм. “Ўзагросуғурта” АЖда 2012-2023-йилларда қишлоқ хўжалиги суғуртаси хизматларини кўрсатишдан тушган суғурта мукофотлари тушуми ва суғурта тўловлари ҳажми, млн.сўм⁴.

2022-2023 йилларда соҳага тақдим этилган суғурта мукофотлари ҳажми ортган ва уларнинг деярли 90 фоизи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига ажратилаётган жами имтиёзли кредит маблағларини суғурталаш хизматлари натижасида шакллантирилган. Бундан тушуниш мумкинки, ҳосил ва ишлаб чиқаришни бевосита суғурталаш бозор учун ўз жозибадорлигини йўқотган. Бунинг асосий сабабини ўтган йилларда юзага келган бозор талаби пасайиши молиявий йўқотишларни келтириб чиқариши билан изоҳланади. Ушбу ҳолат қишлоқ хўжалигининг ўзига хос талаб ва хусусиятларини эътиборга олган ҳолда алоҳида ёндашувларни ишлаб чиқиш заруриятини асослайди.

Суғурта мукофотлари бўйича юзага келган ушбу салбий тенденцияни суғурта тўловлари ҳажмидаги ўзгаришларда ҳам кўриш мумкин. Масалан, суғурта шартномалари 2012 йилда 37 443 донани, 2023 йилда эса деярли 5 баробар пасайиб 7 320 донани ташкил этган. Шартномаларнинг сони бўйича энг юқори кўрсаткич 2016 йилда қайд этилган бўлиб, 58 048 донани ташкил этган.

⁴ “Ўзагросуғурта” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Таққосланаётган давр ичида суғурта жавобгарликлари ҳажмида ҳам нобарқарорлик кузатилган. Суғурта шартномалари ҳажмидаги ўзгаришлардан фарқли равишда агросуғурта жавобгарликлари ҳажмида дастлабки ва сўнги йил маълумотлари ўсиш қайд этилганлигини исботлаган. 2012 йилда тузилган суғурта шартномалари бўйича қабул қилинган жавобгарлик 608,1 млрд.сўмни, 2023 йилда эса 2 008,5 млрд.сўмни ташкил этган. Ваҳоланки, ушбу даврдаги энг юқори агросуғурта жавобгарликлари ҳажми 2019 йилда 2 196,5 млрд.сўмга тенг бўлган (1-жадвал).

1-жадвал.

2012-2023 йилларда “Ўзагросуғурта” АЖ орқали қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ тузилган суғурта шартномалари ва суғурта жавобгарликлари ҳажми, млн.сўм⁵

| Йиллар | Агросуғурта шартномалари сони, дона | Агросуғурта шартномаларидаги жами суғурта жавобгарлиги ҳажми, млн.сўм |
|---------------|--|--|
| 2012 | 37 443 | 608 121 |
| 2013 | 25 429 | 683 868 |
| 2014 | 28 291 | 1 188 824 |
| 2015 | 33 960 | 1 350 386 |
| 2016 | 58 048 | 1 917 390 |
| 2017 | 45 109 | 684 698 |
| 2018 | 31 265 | 1 019 102 |
| 2019 | 36 338 | 2 196 497 |
| 2020 | 10 730 | 1 402 343 |
| 2021 | 1 217 | 192 126 |
| 2022 | 9 385 | 1 024 566 |
| 2023 | 7 320 | 2 008 482 |

Юқоридаги таҳлил натижалари агросуғурта бозорининг ўзига хослиги ва талабларини эътиборга олган ҳолда ҳозирги шароитга мос замонавий янги молиявий механизмларни жорий этиш заруриятини ва давлатнинг бевосита назорати доирасида ташкил этилиши кераклигини асослаб бермоқда.

2012-2023 йилларда республикамизда турли табиий-иқлим ўзгаришлари ва шароитларига қарамасдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми барқарор ўсмоқда. Жумладан, 2012 йилда жами қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажми 36,9 трлн.сўмни ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб ушбу кўрсаткич асосий ишлаб чиқариш ва айланма воситалар ҳамда маҳсулотлар нархларининг ошиши ҳисобига 245,2 трлн. сўмни ёки 2012 йилга нисбатан 208,3 трлн. сўмни, яъни, 6,6 мартадан ортиқни ташкил этди.

Аммо, таҳлиллар кўрсатишича, давлат даражасида амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, агросуғурта мукофотлари ҳажмининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотлари ҳажмига нисбатан барқарор ўсиш тенденцияси

⁵ “Ўзагросуғурта” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

кузатилмаган. Масалан, 2012 йилда агросуғурта мукофотлари ҳажмининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотлари таркибидаги улуши 0,0232 фоизни, 2023 йилда 0,0173 фоизни ташкил этган бўлса, 2012-2023 йиллар оралиғида ушбу кўрсаткичнинг юқори даражаси 2019 йилда 0,0698 фоизга тенг бўлган (2-жадвал).

2-жадвал.

“Ўзагросуғурта” АЖда суғурта хизматларини кўрсатишдан тушган суғурта мукофотлари ва тўловлари ҳажмининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотидаги улуши, %⁶

| Йиллар | Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти, млрд.сўм | Суғурта мукофотлари тушуми, млрд.сўм | Суғурта тўловлар ҳажми, млрд.сўм | Жами суғурта мукофотларининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотидаги улуши, % | Жами суғурта тўловларининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотидаги улуши, % |
|--------|--|--------------------------------------|----------------------------------|--|--|
| 2012 | 36 955 | 8,6 | 2,9 | 0,0232 | 0,0079 |
| 2013 | 42 637 | 9,7 | 2,8 | 0,0227 | 0,0066 |
| 2014 | 53 613 | 13,3 | 4,9 | 0,0247 | 0,0091 |
| 2015 | 64 680 | 18,9 | 7,8 | 0,0292 | 0,0120 |
| 2016 | 74 779 | 45,6 | 15,4 | 0,0610 | 0,0206 |
| 2017 | 90 984 | 27,2 | 77,9 | 0,0299 | 0,0856 |
| 2018 | 113 661 | 39,7 | 73,7 | 0,0349 | 0,0648 |
| 2019 | 129 885 | 90,6 | 76,7 | 0,0698 | 0,0591 |
| 2020 | 150 494 | 56,0 | 67,2 | 0,0373 | 0,0447 |
| 2021 | 181 788 | 2,5 | 7,7 | 0,0014 | 0,0043 |
| 2022 | 208 809 | 32,8 | 3,9 | 0,0157 | 0,0019 |
| 2023 | 245 223 | 42,4 | 1,0 | 0,0173 | 0,0004 |


Ҳозирги ҳолатда, бизнингча, қишлоқ хўжалиги тармоғи ва субъектларини суғурта тизимидаги манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, суғурта хизматлари сифатини ошириш мақсадида: қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига оид экспорт шартномаларини сиёсий-тижорат рискларидан суғурталаш; кооперативлар, мева-сабзавотчилик кластерлари ва фермер хўжаликларининг маҳсулотлар экспорти бўйича шартномалари суғурта мукофотларининг 50 фоизини маҳаллий ва давлат бюджетлари маблағлари ҳисобидан қоплаш, шунингдек, суғурта шартномаларини соддалаштириш асосида шаффофлигини таъминлаш учун амалдаги суғурта қоидалари ва намунавий суғурта шартномаларини қайта кўриб чиқиш; қишлоқ хўжалиги экинларини суғурта қилишда агротехник тадбирларга риоя қилиниши ва олинган ҳосил ҳолатларини мониторинг қилиш орқали кўрилган зарарлар (йўқотишлар)ни камайтириш ҳамда субъектлараро тузиладиган суғурта шартномаларини расмийлаштиришни рақамли электрон дастурлар орқали амалга ошириш муҳим чора-тадбирлар бўлиб ҳисобланади.

Диссертацияда юқоридаги услубий-амалий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш билан бир қаторда республикамиз қишлоқ хўжалиги тармоғида суғурта тизимини такомиллаштириш, амалда қўлланилаётган суғурталаш усуллари ва

⁶ Статистика агентлиги ҳамда “Ўзагросуғурта” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

турларига боғлиқ муаммоларни ўрганиш учун анкета сўровномаси ўтказилди. Бунда монографик тадқиқот объекти сифатида Хоразм вилоятида 2024 йилда суғурта хизматларидан фойдаланган фермер ва деҳқон хўжаликлари танлаб олинди. Маҳсулотлар етиштирувчи 80 нафар респондентлар билан ўтказилган сўровнома натижасига кўра уларнинг 55 фоизи ҳозирги амалдаги мавжуд суғурта муносабатларидан қониқмаслигини, 20 фоизи қониқишларини ва 16 фоизи жавоб бера олмаслигини билдиришган. Шунингдек, кўпчилик (90%) респондентлар суғурта хизматларидан тезкор фойдаланиш, ишлаб чиқаришга салбий таъсир этадиган ноқулай ҳодиса юз берган шароитларда уларни хабардор қилиш осон бўлиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлашган.

Сўровномада респондентлар берган жавобларга кўра, уларнинг 30 фоизи суғурта ҳодисаси юзага келганда суғурта тўловларини олиш имконияти ва даражалари қониқарли эканлигини, 55 фоизи маълум қийинчилик ва муаммолар мавжудлигини қайд этишган бўлса, қолган 15% респондентлар ушбу тизимдан фойдаланмаслигини ва хабардор эмаслигини айтишган (2-расм).



2-расм. Қишлоқ хўжалигида суғурта тизимини такомиллаштириш ва муносабатларини ривожлантиришдаги мавжуд муаммолар (n=80)⁷.

Сўровномада қатнашган барча респондентлар таклифларига кўра, суғурта мукофотларини мева-сабзавотчилик тармоғидан ташқари, бошқа тармоқларда ҳам давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш орқали қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда суғурта тўловларини олиш даражаси юқори ва қулай бўлса, мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаганлар. Демак, сўровнома ва таҳлиллар натижалари асосида хулоса қилиб айтганда, суғурта муносабатларини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатаётган энг асосий муаммолар бўлиб, суғурталанувчи хўжаликларнинг суғурта шартномасини расмийлаштириш ва юзага келиш эҳтимоли мавжуд салбий ҳодисалар билан ўз вақтида хабардор қилишда бугунги мавжуд тизимнинг самарасизлиги, суғурта мукофотлари даражаси хўжаликларни қониқтирмаслиги (айрим ҳудудларда баланд) ва суғурта тўловларининг ўз

⁷ Сўровнома натижалари асосида муаллиф томонидан тузилган.

вақтида тўланмаслиги каби ноқулай ҳолатлар эканлигини эътироф этиш мумкин.


